

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАФУРОВ ДОНИЁР ОРИФОВИЧ

МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ОИЛА
ФАРОВОНЛИГИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ

09.00.03- Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК:37.018.11:12

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Ғафуров Дониёр Орифович

Маҳдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги ва
фарзанд тарбияси масаласи3

Ғафуров Дониёр Орифович

Вопрос благополучия семьи и воспитания детей в духовном
наследии Махдуми Азама.....23

Gafurov Doniyor Orifovich

The issue of family well-being and children's training in
spiritual heritage of Mahdumi Azam.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications
Список опубликованных работ48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАФУРОВ ДОНИЁР ОРИФОВИЧ

МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ОИЛА
ФАРОВОНЛИГИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ

09.00.03- Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal408 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчихра Негматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Мамажон Ахмаджонович
фалсафа фанлари доктори (DSc)

Шарипова Ойгул Турсуновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «13» август куни тарқатилди.
(2021 йил «13» август даги 12 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов К.Б.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Саломова Ҳ.Ю.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида инсон маънавий-ахлоқий кадриятлари тизимида юзага келаётган ўзгаришлар шахс, оила ва жамият барқарорлиги муаммоларини тадқиқ этишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Шарқ фалсафий тафаккурининг муҳим таркибий қисми бўлган тасаввуфий мерос инсонпарварлик моҳияти билан инсон маданий-маънавий тараққиётини таъминлаш, ахлоқий кадриятлар мажмуини бойитиш, “маънавий инқироз” ва “ахлоқий таназзул” га олиб борувчи иллатлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда ёш авлодни интеллектуал ривожлантиришда буюк мутафаккирларнинг инсон камолоти, оила фаровонлиги ва мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси ҳамда жамият ижтимоий-маънавий ривожланишига оид қарашларини узлуксиз маънавий тарбия тарбия тизимида киритиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, маърифий-ахлоқий, тасаввуфий-фалсафий таълимотлари, хусусан, инсон маънавияти, дунёни билиш, ўзликни англаш ва инсон ижтимоий моҳиятини очиб беришга оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган тасаввуф алломалари меросидаги яратувчи ва инсон, оламнинг яралиши, жамият барқарорлиги, никоҳ ва оила, комил инсонни тарбиялаш ғояларининг мазмун моҳиятини ўрганиш назарий-методологик аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, Маҳдуми Аъзам меросида илгари сурилган оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси, никоҳнинг муқаддаслиги, руҳий маънавий уйғунлик, эътиқод мустаҳкамлиги, бағрикенглик, ўзаро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш борасидаги фалсафий қарашларини инновацион усулларда зарурати сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илмий ва маънавий меросни чуқур ўрганиш, диний ва миллий кадриятларни тиклаш, ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилган кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”¹. Шу жиҳатдан олганда, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти тарғиботида улкан ҳисса қўшган тасаввуф таълимоти намояндалари айниқса, Маҳдуми Аъзамнинг

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 65

умуминсоний қадриятларга асосланган оила муқаддаслиги, инсон камолоти, жамият барқарорлиги ва тарбиявий аҳамиятга эга ғояларини илмий-назарий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 367-сон “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хожагий Аҳмад Косоний мероси Шарқ ва Ғарб олимларини қизиқтириб келган. Америка Қўшма Штатларининг Мичиган университети тадқиқотчиси Victoria R. Gardner² Махдуми Аъзам асарларининг нақшбандия тариқатида тутган ўрни ҳақида тадқиқот олиб борган. Буюк Британиянинг манбашунос олими Algar Hamid ўзининг “Dahbidiya”³ номли тадқиқотида нақшбандия тариқати пири Махдуми Аъзам ҳамда у кишининг авлодлари фаолиятига юқори баҳо берган. Франциялик тасаввуфшунос олим P. Alexandre⁴ эса, Махдуми Аъзамнинг тариқат одоби ва нафс ҳақидаги тасаввуфий қарашларини тадқиқ этган.

Шу билан бирга рус тадқиқотчилари В.В. Бартолд, В.Л. Вяткин, Н. Веселовский, А.А. Семёнов, В.В. Дубовицкийлар⁵ Махдуми Аъзамнинг

²Victoria R. Gardner. “The Written Representations of a Central Asian Sufi Shaykh: Ahmad Ibn Mawlana Jalalidin Khwajagi Kasani "Makhdum-i A'zam http://www-personal.umich.edu/vika/dissertation/.

DeWeese Deveen. The Eclipse of the Kubravia in Central Asia. Iranian Studies, 21 / - 2 (1988), - PP. 45 – 83

³Algar Hamid. Dahbidiya. http://www.iranicaonline.org/articles/dahbidiya

⁴Papas Alexandre. “No Sufism without Sufi Order: Rethinking Tariqa and Adab with Ahmad Kasani Dahbidi” Kyoto Bulletin of Islamic Area Studies, 2-1 (2008), - PP. 4-22

⁵Акимущкина О.Ф. “Мудрость суфиев”. ISBN 5-8583-184-6 Петербургское Востоковедение, 2001.

Марказий Осиё ҳукмдорлари сулоласига тарбиявий таъсири тўғрисида маълумотлар берган.

Мустақиллик йилларда буюк алломаларимизнинг илмий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. Хожагий Аҳмад Косонийнинг ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашлари тўғрисида Б. Валихўжаев, А. Хўжаев, Н. Йўлдошев, Б. Тўраев, А. Зоҳидий, Г. Наврўзова, К. Каттаевлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, мутасаввифнинг “Асрорун-никоҳ”, “Чаҳор калима”, “Зубдат ус-соликин ва танбият ус-салотин”, “Рисолайи Бобурия”, “Илмия”, “Шарҳи рубоийёти Убайдий”, “Вужудия” рисолалари ўзбек тилига таржима қилинган.

Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, борлиқ ҳақидаги тасаввуфий қарашлари Э.Зоиров, маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсирини Х. Самадов, ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аҳамиятини А.Нуриддиновлар⁶ алоҳида тадқиқ этганлар.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон файласуф олимларининг илмий изланишлари назарий манба сифатида хизмат қилди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Хожагий Аҳмад Косоний ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотларда жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси, мутасаввифнинг оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, кексалик масалалари бугунги кунда ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти “Ганжнома” (“Бойлик ҳақида”), “Гули Наврўз” (“Наврўз гули”), “Танбиҳ-ул-уламо” (“Уламоларни огоҳлантириш”), “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир”), “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик рисоласи”) асарлари асосида ўрганилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик - технология институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Демократик жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Махдуми Аъзам маънавий меросидаги оила ва никоҳ муқаддаслиги, оила фаровонлиги ва фарзанд тарбиясига оид ғояларининг аҳамиятини очиб бериш, ҳамда ижтимоий тараққиётни таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хожагий Аҳмад Косоний маънавий мероси асосида Даҳбед илоҳиёт мактаби концептуал ғояларини очиб бериш;

Хожагий Аҳмад Косоний асаридаги “никоҳ - оила ва жамият барқарорлиги асоси” ғоясининг ижтимоий-ахлоқий моҳиятини очиб бериш;

⁶Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. -Тошкент: Дурдона, 2015. - 144 б; Самадов Х.Ў. Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири: фал.фанлари номзоди дис. -Самарқанд. 2018. -132 б; Нуриддинов А.О. Махдуми Аъзам Косонийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти: фал.фанлари доктори (PhD) дис. –Бухоро, 2020.- 140 б.

“Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир”) рисоласидаги фарзанд тарбиясига оид қарашларини мантиқий асослаш;

Хожагий Аҳмад Косоний “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик рисоласи”) асарининг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини асослаш;

“Миръот-ус-сафо” (“Поклик кўзгуси”) асаридаги инсон камолоти мезонларининг ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини очиб бериш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Махдуми Аъзам меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси масалаларининг ижтимоий-ахлоқий ғоялари ҳамда мутасаввиф қарашларига оид назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Махдуми Аъзамнинг “Асрор ун-никоҳ”, “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи”, “Рисолаи шайбийя” асарларидаги фалсафий-ахлоқий ғояларни илмий назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик каби илмий методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси ҳақидаги ғояларнинг нафс тарбияси, меҳнат ва бунёдкорлик, атроф-муҳитни асраш, касб ҳунар эгаллаш, қалб поклиги тушунчалари билан ўзаро диалектик алоқадорлиги Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбийя”, “Рисолаи фаноия” асарларидаги ижтимоий-маънавий тамойиллар (илм ва дин билан дунё учун хайрли иш қилиш, зарар келтиришдан сақланиш, оламни яшнатиш зарурати) асосида очиб берилган;

Махдуми Аъзамнинг “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи”, “Асрор-ун-никоҳ” асарларида илгари сурган “илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги” концепцияси ҳамда хулқ-атвор, саъй ҳаракатларнинг бирлиги ғояси комил инсон шахсини тарбиялашда муҳим омил эканлиги атрибутив категориялар (зоҳирий ва ботиний илмлар зарурияти) воситасида асосланган;

Махдуми Аъзам меросида илгари сурилган фаровон ҳаёт, ҳалол меҳнат, инсонпарварлик, бағрикенглик ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари хусусидаги ғоялари ёшларни бузғунчи мафкуравий тарғиботлар таъсирига қарши курашда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган;

Махдуми Аъзамнинг “Зубдат-ус-солкин ва танбият-ус-салотин” асаридаги халқпарвар, меҳр-шафқатли, оламни яшнатиш, адолат тарозиси ҳақидаги қарашлари илоҳий (калом, тасаввуф) ғоялари билан диалектик алоқадорлиги ҳамда унинг ўз даври ижтимоий ҳаётида маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий аҳамият касб этганлиги мантиқий асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мутафаккир ахлоқий ғояларини ёшларни ватанпарварлик, олийжаноблик, ҳалол луқма, инсонпарварлик, бунёдкорлик, бағрикенглик руҳида тарбиялашга, уларда тур хил диний-ақидавий ва экстремистик ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги ўрни очиб берилган;

“Оила муқаддас даргоҳ”, “Оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асосларини ўргатиш” мавзусидаги профилактик тадбирларнинг мазмуни такомиллаштирилган;

Даҳбед мактаби вакилларининг фалсафий-ахлоқий ғоялари жамият тараққиётида муҳим фактор эканлиги ҳамда унинг “Асрор ун-никоҳ” асаридаги оила фаровонлиги, никоҳга оид қарашлари инсонни маънавий-ахлоқий камолотга эришишида муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

ёшлар тарбиясида нафси жиловлаш, меъёрга солиш, қалб тарбияси муҳимлиги “Шарҳи ал-валлади сирру-абийҳи”, “Рисолаи шайбийя” асарлари таржималари асосида мантиқий далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан Шарқ мутафаккирлари ҳамда Нақшбандия таълимотининг назарий масалаларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, тасаввуфнинг ҳалоллик, поклик, қалб софлиги, бағрикенглик маданиятининг замонавий ёшларда интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишни шакллантиришда “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Тасаввуф тарихи”, “Оила психологияси”, “Этика”, “Оила маънавияти” фанлари мазмунининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Маънавият ва маърифат марказларининг тарбиялаш фаолиятида, шунингдек, Махдуми Аъзамнинг ва Шарқ мутафаккирлари маънавий меросининг Хожагий Махдуми Аъзамнинг фалсафий-тасаввуфий қарашларини навбатдаги илмий ишларда файласуфлар, мутасаввифлар ғоялари билан қиёсий таҳлил қилишда, “Маънавият” такдимотида оид маърузаларда ҳамда мавзуга оид ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси масалаларини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси ҳақидаги ғоялари нафс тарбияси,

меҳнат ва бунёдкорлик, атроф-муҳитни асраш, касб ҳунар эгаллаш, қалб поклиги тушунчалари билан ўзаро диалектик алоқадорлиги Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбия”, “Рисолаи фаноия” асарларидаги ижтимоий-маънавий тамойиллар (илм ва дин билан дунё учун хайрли иш қилиш, зарар келтиришдан сақланиш, оламни яшнатиш зарурати) асосида очиб берилганлигига оид илмий хулоса ҳамда янгиликларидан Бухоро вилояти хунармандчилигини ривожлантириш марказининг 66-12/192-рақамли “Хунар-ризқ карвони” мавзусидаги амалий нодавлат лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 89-03-5002-сон маълумотномаси). Натижада, Махдуми Аъзам ғоялари орқали ёшлар тарбиясида инсон нафсини жиловлаш, меъёрга солишда қалб тарбиясининг муҳимлиги тўғрисидаги кенг фикрлар шаклланган, инсон умрининг кексаликкача бўлган даврига оид фалсафий-ахлоқий қарашларига оид кўникмаларни шакллантиришга эришилган;

Махдуми Аъзамнинг “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи”, “Асрор-ун-никоҳ” асарларида илгари сурган “илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги” концепцияси ҳамда хулқ-атвор, саъй ҳаракатларнинг бирлиги ғояси комил инсон шахсини тарбиялашда муҳим омил эканлиги атрибутив категориялар (зоҳирий ва ботиний илмлар зарурияти) воситасида асосланганлиги ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг 2017 йил 7 июлдаги ПФ-5106-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб қувватлаш тўғрисида” концепцияни амалга ошириш бўйича белгиланган ёшларни дахлдорлик руҳида, ватанпарварлик, миллий урф-одат ҳамда қадриятлар руҳида тарбиялашдаги вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 16 июлдаги 04-13/2113-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни ватанпарварлик, олийжаноблик, инсонпарварлик, бағрикенглик руҳида тарбиялашга, уларда тур хил диний-ақидавий ва экстремистик ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга эришилган;

Махдуми Аъзам меросида илгари сурилган фаровон ҳаёт, ҳалол меҳнат, инсонпарварлик, бағрикенглик ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари хусусидаги ғоялари ёшларни бузғунчи мафкуравий тарғиботлар таъсирига қарши курашда субстанционал асосга эга эканлиги тўғрисидаги илмий хулосаларидан, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган “Оила-муқаддас даргоҳ”, “Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асосларини ўргатиш” мавзуларидаги туркум маънавий-маърифий тадбирлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 24 июлдаги 02/07-658-сон маълумотномаси). Натижада, “Оила муқаддас

даргоҳ”, “Оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асосларини ўргатиш” мавзусидаги профилактик тадбирларда эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш ва оилавий кадриятларни ёшлар орасида тарғиб қилишда юқори натижаларга эришилган;

Махдуми Абзамнинг “Зубдат-ус-солкин ва танбият-ус-салотин” асаридаги халқпарвар, меҳр-шафқатли, оламни яшнатиш, адолат тарозиси ҳақидаги қарашлари илоҳий (калом, тасаввуф) ғоялари билан диалектик алоқадорлиги ҳамда унинг ўз даври ижтимоий ҳаётида маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий аҳамият касб этганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва янгиликларидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий маданий жамоатчилиқни кенг хабардор этиш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича методик ўқишларида, каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 9 декабрдаги 02/354-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчиликка Даҳбед мактаби вакиллариининг комил инсон шахсини тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, оламни яшнатиш, меҳнатсеварлик, камтаринлик, ҳалол луқма топиш ҳақидаги фалсафий-ахлоқий ғоялари жамият ва тараққиётида муҳим ўрин тутганлиги асослаб берилган;

Хожагий Аҳмад Косонийнинг маънавий меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси ҳақидаги фаровон ҳаёт, ҳалол меҳнат, инсонпарварлик, бағрикенглик ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари хусусидаги ғоялари ёшларни бузғунчи мафкуравий тарғиботлар таъсирига қарши кураш руҳида тарбиялашдаги ўрни “Шарҳи–ал-валади сирру абийҳи” асари асосида далилланган илмий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил-миллат кўзгуси” каби кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 09 июндаги 1/145-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинларнинг улуғ мутасаввиф фаолияти ва асарлари ҳақидаги билимларини ҳамда кўрсатувлар мазмунини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Махдуми Аъзам - Даҳбед мактаби асосчиси”** деб номланган биринчи бобида XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, Махдуми Аъзам ҳаёти ва мероси, даврнинг ўзига хос хусусиятлари, Даҳбед мактабининг шаклланиши ҳамда унинг тасаввуф илмлари равнақидаги ўрни таҳлил этилган.

Махдуми Аъзам тўлиқ исми шарифи Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам (1461-1542 йй.) “Махдуми Аъзам” таҳаллуси устози Мавлоно Муҳаммад Қози томонидан берилган таҳаллус бўлиб, “устозларга хизмат қилувчи, содиқ шогирд” маъносини беради. Махдуми Аъзам 1461 йилда (х. 866) Косон шахрининг Хонақоҳ маҳалласида илм-маърифатли тақводор Мавлоно Жалолиддин оиласида туғилган. Унинг вафоти ҳақида “Тарихи муллозода” асарида “949 йил 21 муҳаррам ойи душанба куни туш чоғида (1542 йили 6 май) вафот этган деб қайд этилган. “Қутби олам рафт, вой”⁷ сўзи абжад ҳисобида мазкур санага тўғри келиши келтирилган. Ўз даври ва кейинги даврларда ҳукмронлик қилган кўплаб подшоҳлар васиятларига кўра Махдуми Аъзам мақбараси ёнида дафн этилган.

Диссертацияда мураккаб ва зиддиятли даврнинг ўзига хос хусусиятлари, темурийлар салтанатидаги ички зиддиятлар, иқтисодий инқироз ўлка халқлари ҳаёти ва турмуш тарзини оғирлаштиргани, шайбонийлар ҳукмронлиги даврида эса парчаланган мамлакатни қайта бирлаштиришга бўлган ҳаракатларда Махдуми Аъзамнинг фаолияти тарихий манбаларга таяниб ёритилган. Ўлкада халқларнинг турмуш тарзининг издан чиқиши илм ва маърифат аҳллариининг ҳаёти ва фаолиятига таъсир ўтказгани, бу эса, Моваруннаҳрнинг барқарорлигига, Ипак йўли орқали боғланган алоқаларига ҳам сезиларли таъсир этгани таҳлил этилган. Шунингдек, ислом мафқураси устувор бўлган бу асрларда халқнинг оғирини енгил қилиш, уни ҳар қандай зулм ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, эътиқодини мустаҳкамлаш, ҳаётининг мазмунини тўғри англашга, ҳалол меҳнат қилиш, касб-ҳунар

⁷ Бухорий Аҳмад ибн Маҳмуд “Муъин ал-фуқаро”, “Тарихи муллозода” – Т.: Янги аср авлоди, 2009. -Б.53.

эгаллашга ундаган уламолар тоифаси шаклланганини, Куръон ва Суннага асосланган солиҳ амалларни, нақшбандия тариқати таълимотининг дунё ва охират, икки дунё саодатига эришишга ундовчи “Дил ба Ёр даст ба кор” (“Дилинг Аллоҳ билан бўлиб кўлинг меҳнатда бўлсин”) шиорини ҳаёт тарзига айлантиришга тарғиб қилган Даҳбед мактаби намояндалари, айниқса, Маҳдуми Аъзамнинг сайъ-ҳаракатлари, руҳий-маънавий хизматлари ишончли манбалар билан асосланган.

Маҳдуми Аъзамнинг “Инсоннинг вазифаси Аллоҳ таоло томонидан унинг измига берилган тириклик оламини яшнатиш ҳамда бу дунё неъматларидан келгуси авлодларни ҳам баҳраманд этишдан иборатдир”⁸ - деган ғояларини таҳлил қилиб, мутасаввифнинг оламнинг инсон учун яратилганлигини, ундаги барча неъматлар унинг фаровон яшаши учун берилганлигини, ўз ўрнида инсон бу неъматлардан оқилона фойдаланиши, бу неъматлардан келгуси авлод ҳам баҳраманд бўлиши учун катта авлод масъул эканлиги хусусидаги қарашларини сабабият қонунлари асосида таҳлил этилган.

Диссертациянинг “Даҳбед мактаби ва унинг тасаввуф таълимоти равнақидаги ўрни” деб номланган бандида Саъдуддин Қошғарий, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Убайдулло Аҳрор каби Нақшбандия тариқати намояндаларидан кейинги Нақшбандия таълимоти равнақида XV-XVI асрларда Маҳдуми Аъзамнинг тасаввуфий таълимоти муҳим ҳисса бўлиб қўшилгани илмий манбалар асосида таҳлил этилган. Маҳдуми Аъзам “...ушбу тариқатнинг куллиёти ва жузъиётини ёритиш соҳасида катта фаолият олиб борди. У ирфоний-тасаввуфий мураккаб масалалар, айниқса, “вахдатул-вужуд”га доир муаммоларни баъзан содда халқ тилида ва баъзан илмий ифодалар орқали изоҳлаб берди”⁹ - деган фикрларни қўллаб қувватлаб, Маҳдуми Аъзамнинг тасаввуфдаги “хуфия зикр”, “жаҳрий зикр”, илоҳий ишқ, одоб ахлоққа доир ҳадислар шарҳи, орифона рубойлар шарҳларига бағишланган қарашлари асосида унинг мероси серқирра эканлигини асослаб, Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи Вужудия”, “Миръотус-сафо” рисоалари ўзига хос тасаввуфий онтология, гносеология, методологик, аксеологик масалалар ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлайди. Маҳдуми Аъзамнинг ўттиздан ортиқ асарлари тасаввуф, калом, ҳадис, фикҳ, ахлоқшунослик масалаларига бағишланганлиги унинг илоҳиёт илмлари билимдони эканлигини англатса, унинг зироатчиликдаги ўзига хос мактаби, олимнинг табиат ва деҳқончиликда ҳам фавқулодда қобилият соҳиби эканлиги хусусидаги фикрлар тадқиқотнинг ўзига хослигини кўрсатган. Маҳдуми Аъзам Даҳбед қишлоғида 90 таноб (22,5 га) ерда боғ яратиб, дунёнинг турли жойларидан келтирилган ўсимликларни парваришлаб, янги мева навлари яратишга эътибор қаратгани, “Даҳбедий қовун”, “Даҳбедий анжир” навлари шулар

⁸ Косоний, Аҳмад Хожагий. Асрор-ун-никоҳ. Қўлёзма. ЎзР. ФАШИ. -№ 501/И. – В. 12.

⁹ Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. (Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи: А.Х.Саидов) -Тошкент: Адолат, 2001. -Б.113.

жумласидан бўлиб, мутасаввифнинг “Рисолаи баттихийя” (“Қовун ҳақида рисола”), “Гули наврўз” (“Наврўз гули”) рисолалари бунинг далил эканлиги таъкидланади. “Миёнкўл” даҳасида алломанинг ободонлаштириш ишларидаги шижоати, “Даҳбед” номи ҳам айнан унинг эккан дарахтлари номи билан боғлиқ эканини тарихий манбалар билан асосланган.

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг Жонибек Султон Шайбоний томонидан Самарқандга таклиф этилиши уердаги маънавий, илмий-маърифий муҳитнинг янгиланишига, ижтимоий-сиёсий вазиятга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатгани манбалар асосида таҳлил этилган. Мутасаввиф Самарқандда ҳукмдорлар билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг давлат бошқарувида, диний-маърифий масалаларда маслаҳатчиси бўлган.

Тадқиқотда Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи самоъия” (“Мусиқа ҳақида рисола”) асаридаги “Дин ва муқаддас китоблар инсон учун, инсонни маънавий камолотга етаклаш учун берилгандир. Инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир”¹⁰, - деган фикрларини таҳлил этиб, дин ва муқаддас диний китоблар, улардаги маънавий-ахлоқий ғоялар, тарбиявий аҳамиятга эга панд-насихатлар инсон ҳаётини яхшилашга, унинг маънавий-руҳий камолотга эришишда хизмат қилишини, дин инсонлар учун берилганлиги тўғрисидаги тарғиботда Махдуми Аъзам ҳукмдорларга ўз маслаҳати билан ёрдам берганини, тасаввуф исломнинг инсонпарварлик тамойилига таянишини одамларнинг тинч-тотув, ҳамжихатликда яшашга ундовчи инсонни инсонга қарамликдан тўсувчи омил сифатида асрлар оша эзгу ғояларни ўз бағрида асраб келганлиги, Махдуми Аъзам асос солган Даҳбед мактаби вакиллари устоз-шогирд анъаналарини ворисийлик асосида ривожлантиргани таҳлил этилган.

Диссертант Махдуми Аъзамни “Даҳбед илоҳиёт мактаби” асосчиси эканлиги, бу мактаб нафақат Нақшбандия таълимотининг тарғиботчилар ва давомчилари мактаби балки, ўз даврининг калом, фикҳ, ҳадис, тасаввуф илмлари ривожига муҳим ҳисса қўшган маърифат даргоҳи сифатида таърифлаган.

Тадқиқотчи Махдуми Аъзамнинг Даҳбед мактаби доирасида “Убайдий” таҳаллуси билан танилган Убайдулло Баҳодирхон, Жонибек Султон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўплаб йирик арбоблар, султонлар, вазирлар билан ҳам ўзаро яқин муносабатларда бўлганлигини диссертацияда келтирган. Махдуми Аъзамнинг “Зубдатус-соликин танбиятус-салотин” рисоласи подшоҳлар ва ҳукмдорларга, салтанат нозикликларига бағишланган ижтимоий, диний-фалсафий асарлари сирасига киришини алоҳида уқтиради.

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг “Подшоҳлар Ҳақ подшоҳлигининг намунасидирлар. Олимлар эса, Ҳақнинг огоҳлигидан далолат берувчи кўзгу”, деб бошланувчи рубоийсидаги “ҳукмдорларни Аллоҳ одамлар орасидан танлаб уни бошқалар устидан ҳукмдор қўйган экан, бу неъмат учун ҳукмдор шукрона айтиши, адолат ва шафқатини Ҳақнинг халқидан дариг тутмаслиги

¹⁰ Косоний, Ахмад Хожагий. Рисолаи самоъийя. // Қўлёзма. ЎЗР ФАШИ. -№ 501/И И; - В. 20.

қўл остидагиларга меҳрибон онадек меҳр ва муруват кўрсатиши керак”¹¹, - деган қарашларининг моҳияти фалсафий таҳлил этилиб мутасаввифнинг ўз даври ва кейинги давр ҳукмдорлар фаолиятларига таъсири тўғрисида маълумот берилган.

Мазкур бобнинг иккинчи қисмида Махдуми Аъзам меросини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ва мутасаввиф маънавий мероси таҳлили амалга оширилган. Тадқиқотда Махдуми Аъзам мероси ва уни ўрганган олимлар фикрлари қайта кўриб чиқилиб, унинг асарлари шартли равишда қуйидагича таснифланган.

I. Ислом ва тариқат илмларига бағишланган асарлар.

II. Тасаввуф ва Нақшбандия тариқати назарий масалаларига қаратилган асарлар.

III. Оила, никоҳ, одоб ахлоқ, ҳадис шарҳларига доир асарлар.

IV. Зироатчиликка оид асарлар.

V. Сўфийлик ва салтанат эгалари одоблари ҳақидаги асарлар.

Тадқиқотда диссертант Махдуми Аъзам илмий, маънавий-мероси бўйича республикамизда ва хорижий олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлиги, бу тадқиқотлар алоҳида маълум йўналишларда ва мутасаввифнинг баъзи асарлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Махдуми Аъзам мероси серқирра бўлиб унинг унинг оила ва фарзанд тарбиясига оид қарашлари хали етарлича ўрганилмаганлиги янги манбалар асосида комплекс яхлит тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Махдуми Аъзам рисоаларида оила тушунчасининг фалсафий таҳлили”** деб номланган унда Нақшбандия тариқатининг назарийчиси Хожагий Аҳмад Косоний илмий меросида оила, никоҳ ва фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, мутасаввифнинг оила ва фарзанд тарбиясига оид асарлари Ўрта Осиё халқлари ҳаёти маънавий ва ахлоқий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатиши, хусусан ушбу масалалар мутасаввифнинг **“Асрор ун-никоҳ”, “Баттихия”, “Ганжнома”, “Тули Наврўз”, “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи”** (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи) рисоаларида ўз аксини топиши каби масалалар таҳлил этилган.

Жумладан: **“Асрор-ун-никоҳ”** асари бевосита оила ва никоҳ муқаддаслиги ва сирлари, эру-хотин ўртасидаги муносабатлар тўғрисида бўлса, **“Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи”** (“Фарзанд отасининг сиридир”) деган ҳадис шарҳи фарзанд тарбиясининг нозик масалаларга оид асар сифатида ўрганилган ва тадқиқот давомида таржима қилинган.

Махдуми Аъзамнинг **“у қандай эркакдирки, икки - уч кунлик шаҳват талабида таъбу нафс юритиш тақозосига кўра, ўзини абадий азоб-уқубатларга гирифтор этади, нафс дунё ва охиратда унинг душманидир, унинг ўз душманини тавба қилдириш йўли билан рози қилишдан ўзга чораси**

¹¹ Валихўжаев Б. Рисолаи Зубдатус-соликин ва танбиятус-салотин. -Самарқанд: Суғдиёна, 1994. -Б.56.

йўқ”,¹² - деган фикрини келтириб, ҳар бир оқил инсон ўз нафсу ҳавосига эргашмасдан нафсини тарбиялаши, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориши, ислом аҳкомларига кўра зино энг оғир гуноҳлардан биридир. Нафснинг қулига айланиб ўзини дунё ва охиратда азобга қолдириши инсон учун энг катта йўқотиш эканлигини таъкидлайди. Махдуми Аъзамнинг фикрлари ўрта аср жамияти ҳақида бўлса-да, унинг бугунги кун учун ҳам аҳамияти беқиёс эканлигини асосланган.

Тадқиқотда Махдуми Аъзамнинг “Асрорун-никоҳ” асарида илгари сурган “билгилким шаҳват икки хилдир: таърифланган шаҳват ва гуноҳ саналган шаҳват. Таърифланган шаҳват ҳам икки қисмга бўлинади: бир қисмида авом билан хослар шерикдир ва бошқа қисмда махсусдир. Аллоҳ Ҳазрат Одамни яратди, дунёнинг давомийлиги жиҳатидан унинг вужудига шаҳватни халқ қилди, одамлар кўп бўлишини истади. Олам унинг вужудида обод бўлишини хоҳлади. Ҳазрат Ҳаввони ҳам халқ қилди, унда ҳам шаҳватни халқ қилди ва уни Ҳазрат Одамнинг жуфтига айлантди. Бу инсониятга ато этилган неъматдир. Аммо гуноҳ саналган шаҳват шариатсиз, никоҳсиз ёки бемаврид содир бўлса, фисқу-фасод гумроҳларнинг ишидир. Бундай шаҳватнинг сабаби ҳаром ва ёмон таомларни истемол қилишдандир”¹³, - деган фикрларига таяниб, унинг ғоялари нақшбандия таълимотидаги “луқма ҳалол” ғояси билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидланган.

Махдуми Аъзамнинг ҳар қандай ҳайвоний, шаҳвоний ҳирс, нафс офатлари инсон вужудидаги ноқисликларнинг сабаби унинг истъемол қилаётган нарсаларига ҳам боғлиқдир. Бу фақат ислом арконлари, Қуръонда ҳалол ва ҳаром қилинган истъемолга яроққли ёки яроқсиз нарсалар эмас балки, инсоннинг ҳалол ризқ топиши бировнинг ҳаққига қўл узатмаслиги нуктаи назаридан ҳам илгари сурилганини тадқиқотчи уқтиради.

Мазкур бобнинг иккинчи бандида Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Шарҳи-ал-валади сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи”) рисоласидаги Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ воқеа орқали ҳадиснинг моҳияти очиб берилган. Рисолада “фарзанд отадан саробият (нусхаланиш) йўли билан зоҳир бўлади. “Фарзанд отасининг сиридир” - дейилишининг ҳақиқати шудир. Шунга кўра ҳар қандай фарзанд шаксиз, саробдир (нусха). Аҳли зоҳирнинг наздида зоҳирий ҳукмга кўра сароб бу оталардан зоҳир бўладиган ҳар қандай сифатлардан бир сифатдир (яъни, отадан туғиладиган ҳар қандай бола бу унинг фарзандидир). Ботин даражасига кўра фарзанд бир сувдирки, ундан ҳам ўша нарсалар зоҳир бўлади. Агар унинг хилофи зоҳир бўлса, унда бу фарзанд ундан эмас. Бунга айрим анбиёларнинг фарзандларини, жумладан, Нуҳ пайғамбарнинг фарзандини айтиш мумкин. Шундайки, ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом тўққиз юз эллик йил ўз қавмини динга даъват қилди, бироқ озгина одамгина унинг динига кирди. Бу қавмдан бисёр ранжлар етганидан ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом бу дуони қилдиларки, Аллоҳ

¹² Косоний, Аҳмад Хожагий. Асрор-ун-никоҳ. // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. № 501/И.; - В. 12.

¹³ Косоний, Аҳмад Хожагий. Асрор-ун-никоҳ. // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. № 501/И.; - В. 20.

таъоло хабар қилади: “Ва Нух деди: “Эй, Роббим, ер юзида кофирлардан бирорта ҳам ҳаракатланувчини қўймагин” (Нух: 26.). Яна “Эй, Роббим, мени ёлғизлатиб қўйма, Сен Ўзинг ворисларнинг энг яхшисисан” (Анбиё: 89.)¹⁴. Нух ва унинг фарзанди ўртасидаги ривоятда нафақат пағамбарларнинг фарзанди хусусида фикр юритсада, ибрат сифатида ҳар бир инсоннинг фарзанди албатта ота-онасининг сифатларини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишга ундайди. Ота-она ибратли тарбияли бўлса, фарзанд ҳам шундай шаклланади. Оила мустаҳкам бўлади. Оилада барқарорлик давомийлик бўлса, жамиятда барқарорлик, тинчлик ҳукм суради.

Аллоҳ Нухнинг дуосини ижобат қилиб, унга “Қавминг устига бир тўфон қиламан. Ўзинг ва ўз аҳлинг учун бир кема ясагинки, у билан сен ва сенинг аҳлинг тўфондан нажот топасизлар” - ¹⁵, дея ишорат қилди. Ҳазрат Нух ўзининг оиласи ва ўзига иймон келтирганлар билан у кемага чиқдилар. Фақат унинг фарзандларидан биттаси ёмонларга қўшилганидан, ўз отасининг миллати ва динидан чиққанлигидан кемага чиқмади. Ҳазрат Нух ҳарчанд муболағалар қилиб, ялиниб-ёлворса ҳам, ҳужжатлар келтирса ҳам барибир кирмади. Тўфон воқеъ бўлиб, кофир қавм ва ўша фарзандни ҳам ҳалок қилди”¹⁶.

Байт:

Писари Нух бо бадон бинишист,
Хонадон набуташ гум шуд.

Таржимаси:

Нухнинг ўғли ёмонлар бирла ўтириб-тургач,
Нухнинг хонадони аҳлидан ҳисобланмади.

Шундан сўнг ҳазрат Нух муножот қилдиларки, “Эй, Раббул олабийн, Сенинг ўзинг “Сен ва сенинг аҳлинг тўфондан нажот топади”¹⁷, - деган эдинг, фарзандим ҳалок бўлдику?!”. Ҳақ субҳанаҳу ва таъоло айтди: “Албатта, у сенинг аҳлингдан эмас” (Худ: 46.), яъни у сенинг аҳлинг эмас эди, агар аҳлингдан бўлса эди, барча сифатларда сен каби бўлар эди. Шу жойдан маълум бўладики, зоҳир аҳлининг йўли билан қараганда фарзанд барча сифатларда отасининг сифатлари билан сифатланмагунича “отасининг сирини” бўлиб қолади.

Тадқиқот ишида Махдуми Аъзам ибрат сифатида илгари сурган бу ғоя фарзандга эътиборли бўлишга, унинг дунёга келишидан бошлаб оиладаги тарбияси, ота-онага ҳурмати, уларга эргашиши, ёмонлардан узоқ бўлиши, солиҳ амаллар билан банд бўлиши, касб-ҳунар олиши, ҳалол ризқ билан таомланишига қадар эътиборли бўлишга ундаши таъкидланади. Шунда эл-юрт олдида ота-она фарзанди билан фахрлана олади. Агар бунинг тескариси

¹⁴ Анбиё сурасининг бу оятидаги сўзлар Закариё томонидан айtilган бўлиб, Нух пайғамбар дуосига маънодош бўлгани учун келтирилган.

¹⁵ Косоний Ахмад Хожагий . Шарҳи ал-валаду сирри абийҳи. // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. - № 501 / XI; -Б. 3.

¹⁶ Косоний Ахмад Хожагий . Шарҳи ал-валаду сирри абийҳи. // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. - № 501 / XI; -Б. 3.

¹⁷ Косоний Ахмад Хожагий . Шарҳи ал-валаду сирри абийҳи. // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. - № 501 / XI; -Б. 4.

бўлса демак, бу фарзанд у ота-онанинг зурриёди бўлишга ҳам ҳақли бўлолмаслиги тўғрисидаги фикрлари келтирилган.

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг “Танбихул-уламо” рисоласидаги “одам болалари аслида пок бўлганлар. Уларда занг ва ғубор бўлмаган. Ҳар бир туғилган бола аслий фитратда туғилади. Лекин унинг ота-онаси уни яхудий қилади, мажусий қилади ва (ёки) насроний қилади. Яъни, одам фарзандларидан бўлган ҳар бир бола худди ҳеч қандай ранги йўқ оппоқ кигизга ўхшаш аслида пок ва покизадир. Лекин оталар ва оналар воситасида (унда) ранглар пайдо қилинади”¹⁸, - деган фикрлари келтирилиб, инсон ота-онани танлаш имкониятига эга эмаслиги айтилади. Фарзанд отанинг нухаси ва у аслий фитратда дунёга келади. Унинг маънавий-руҳий ривожланиши, ахлоқий тарбияси, камолоти аввало ота-онага ҳам боғлиқ бўлади. Бунинг учун ота-она солиҳ ва солиҳа иймон-эътиқодли тарбияли бўлиши лозим, - деб уқтирилади.

